

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 26 июль, шанба • №60 (11.551) • Эркин нарҳда сотилади

Вилоят фаоллари йиғилиши

ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ

Шу йил 25 июль куни бўлиб ўтган Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислохотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги масала чуқур ва атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот органлари, молия, банк ва солиқ тизими раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, sanoat, қишлоқ хўжалиги корхоналари, тадбиркорлик тузилмалари ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Фаоллар йиғилишида кун тартибидagi масала юзасидан

вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов маъруза қилди.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоятда 2003 йилнинг ўтган даври мобайнида иқтисодиётни ислох қилишга қаратилган устувор вазибаларни

амалга ошириш натижасида бир қатор салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 100,9 фоизни, sanoat ишлаб чиқаришда 101,4 фоизни, истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 108,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашда 103 фоизни ташкил этди. Чакана савдо айланмаси 101 фоизга, турли хизматлар кўрсатиш 106,8 фоизга ўсди. Шу даврда пул кредит сиёсатини барқарорлаштириш бўйича кўри-

лаётган чора-тадбирлар натижасида инфляция даражасининг сезиларли пасайишига эришилди.

Шунингдек, бозор иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бўлган хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни шакллантириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам ўзгаришлар бўлди. 59 та корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. 2036 та микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар ташкил этилди. Бунинг натижасида 16,2 мингта янги иш ўринлари яратилди. Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга 7175,6 миллион сўм, шу жумладан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 84,1 миллион сўм сармоялар йўналтирилди. Ҳозирги кунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 32,6 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларини намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир.

ЎҒЛОНИНГМИЗ, СУЮКЛИ ВАТАН!

Ўзбекистон деб ном олган юртимиз табарруқ замин эканлигини бугунги кунда ҳеч бир ватандошимиз, дунё халқлари вакиллари ҳам инкор этишмайди. Зеро, бу замин қадим замонлардан бери аجدодларимиз яшаб келган мўтабар бир диёрдир. Бу тупроқ муқаддас тупроқдир.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг, барча жаҳаларда дадил, илдам одимлар ташланмоқда. Бу, айниқса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда ёрқин намоён бўлмоқда.

Ота-боболаримиз асрлар давомида қалбларидида тубсиз бир армон ҳис этиб яшаб ўтганлар. Улар Ватан озодлиги, халқ эркинлиги, имон-эътиқод ҳамда ғурур миллат ойнасида тўлақонли намоён бўли-

шини, орзу-умидлар шуъласи дилларда акс этишини энтиқиб кутганлар. Мана шу орзу умидлар биз яшаётган даврда ижобат бўлиб, руҳларимизни кўтариб юборди.

Хурлик шабадаси эсанган кундан бошлаб, давлатимиз ўзига хос йўналиш танлаб олди. Шу биз танлаган йўл бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг мустақкам асоси бўлиб қолди. Бугунги кунда ҳар биримиз унинг ҳосилаларидан баҳраманд бўлиб яшаймиз.

Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтилмайди. Ҳар тонг эзгу тилаклар билан биз — Ватан ўғлонлари бурчимизни амалга оширишга киришиб, остонадан йўлга отлана-

(Давоми 3-бетда).

Леонид Левитининг янги китоби: «Ўзбекистон: Каримов даври»

Москвада «Варгус» нашриётида профессор Л. И. Левитининг «Ўзбекистон: Каримов даври» китоби нашр этилди. Мазкур китоб муаллифининг «Ўзбекистон: тарихий бурилиш палласида» китобининг иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашридир.

Биринчи нашрдан фарқли ўлароқ, мазкур китобга «Аль Бухорий сабоқлари» ва «Буюк ипак йўли — келажак сари йўл» деб номланган иккита янги боблар қўшилган.

Янги китобга 2001-2002 йиллар давомида янги сиёсий воқеалар натижасида юзага келган, халқаро ҳаётда содир бўлган муҳим воқеа-ҳодисалар, халқаро терроризмнинг дунё ҳамжамиятига қарши кучларнинг фаоллашуви билан боғлиқ бўлган долзарб қўшимча маълумотлар киритилган.

Китоб муаллифи прогрессив ва реакция тенденцияларнинг ер юзида кескин тус олган кураши шароитида юзага келган янги даъватлар ва хавфларнинг ифодаси ўлароқ, Ўзбекистоннинг ушбу галвали дунёдаги ўрни ва позициясига эътибор қаратишга ва уни атрофлича таҳлил қилишга, шунингдек Президент И.А.Каримовнинг

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Кодекс ижроси муҳокамада

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ўзининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг ахлоқ тузатиш ишлари тартибидаги жазони ижро этиш тартибини назарда тутувчи нормаларнинг қўлланилиши самарадорлигини Тошкент вилоятида ўрганиш натижаларини муҳокама қилди.

Йиғилишни парламент Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ қўмитасининг раиси Нуриддин Исмоилов бошқарди.

Депутатлар ахлоқ тузатиш ишлари тартибидаги қонунчиликда кўзда тутилган жазо жиноятлар келиб чиқишининг олдини олишда, маҳкумларни тарбиялашда самарали восита бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлашди.

Йиғилишда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо сифатида судлар томонидан қўлланилаётган ахлоқ тузатиш ишлари муҳим тарбиявий воситага айланганлиги таъкидланди. Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳокимликлар, прокуратуралар, тегишли ташкилотлар билан биргаликда бу соҳада муайян ишларни олиб бормоқдалар. Хусусан, вилоятнинг

(Давоми 2-бетда).

Огоҳлик

ҲАЁТ ТИНЧ — ЮРТ ОБОД

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлида ўн иккинчи давонга кўтарилиб бораёпти. Юртимизнинг жаҳон ҳамжамияти сафидан ўзига хос ўрин эгаллаш жараёни ислоенгил кечаётгани йўқ. Жамиятнинг янгилаш, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидан бизни чалғитишга уринувчилар қанча. Утган йиллар мобайнида улар мамлакатимиз, халқимизни не-не синоатларга дучор этмадилар.

Ўзбекистон Миллий театрида «Огоҳлик — давр талаби» шиори остида ўтган йиғилишда бу таҳдидларнинг асосий кучлари, уларнинг кирдикорларига қарши туриш, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамиятда барқарорликни кучайтириш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш вазифалари ҳақида сўз борди. Унда вилоятимизнинг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари, жамоат ташкилотларининг намоёндалари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари, бўлим ва бошқармаларининг раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари ва фуқаролар йиғинларининг раислари, маҳаллаларнинг оқсоқоллари, чегара ва маҳалла посбонлари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент вилоятининг ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

(Давоми 2-бетда).

Леонид Левитиннинг янги китоби: «Ўзбекистон: Каримов даври»

мазкур мураккаб халқаро жараёнлардаги аниқ ролини очиб беришга ва ёритишга ҳаракат қилган.

Китобнинг иккинчи нашрига киритилган «Ал-Бухорий сабоқлари» деб номланган янги боби ислом ва дунёвий давлат ҳамда ислом динининг дунёдаги бошқа динлар билан муносабатига, ислом дунёсида содир бўлаётган сўнги воқеалар ва ўзгаришлар, биринчи галда радикал исломнинг дунё ҳамжамиятига даъвати билан боғлиқ бўлган муаммоларда Ўзбекистоннинг роли ва ўрни масалаларига бағишланган.

Ушбу бобда Л.Левитин «Ал-

Қоида» ва ваҳобийлик, жиҳод ва шаҳидлар, Ўзбекистон ислом ҳаракати (УИХ), Ҳизб-ут-Тахрир ал-исломий ва уларнинг халқаро терроризм билан ўзаро боғлиқлиги каби тушунчалар тўғрисида фикр юритади.

Л.Левитиннинг сўнги нашрига киритилган янги боблардан яна бири «Буюк ипак йўли — келажак сари йўл» деб номланади. Ушбу тушунчани муаллиф унинг тарихий оҳанг талқинида, яъни глобализмнинг пайдо бўлиши, дунё иқтисодиётига янада чуқурроқ кириб бориш, шунингдек жиддий иқтисодий юксалишга эришиш ва мазкур жараёнга жалб этилган давлатларнинг фаровонлигига асосий омил

сифатида эътибор қаратади.

Китобнинг ниҳоясида муаллиф яна бир карра Президент И.А.Каримовнинг ўзбек халқининг буюк тарихий маънавий қадриятларини тиклашдаги, шунингдек матонат ва собитқадамлик билан динни ниқоб қилиб олган диний экстремизмга ва террорга қарши курашувчи, юксак ислом маданиятига асосланган ҳақиқий дунёвий давлат барпо этишдаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо беради.

Профессор Л.Левитиннинг тарих ва мустақил Ўзбекистон тараққиётининг замонавий босқичига оид янада бой ахборот-таҳлилий маълумотлар билан йўғрилган янги асари, биринчиси каби мамлакатимиз тўғрисида батафсил, муҳими ишонарли ва бегараз маълумот олишга интилувчи кўпсонли китобхонларни ўзига жалб қилиши шубҳасиз.

Музаффар ЗАХИДОВ,
«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Кодекс ижроси муҳокамада

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ангрен, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлик, Ўртачирчиқ, Чиноз, Қибрай ва Янгийўл туманларида ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган шахсларни ишга жойлаштириш, улар билан профилактика-тарбиявий ишларни олиб бориш, жазони ўтаб қайт-

ган кишиларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва иш билан таъминлаш, ижтимоий фойдали ишга жалб қилиш борасида самарали тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бу муҳим ишда қатор камчиликлар мавжуд-

лиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш сушт. Шу турдаги жазолар ижросини ўташ самарали ташкил этилмаган. Шунингдек, уларни иш билан таъминлашда ҳам муаммолар мавжуд.

Кўмита мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берди.

Ўз мухбиримиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари Холмат Зокиров «Огоҳлик — масъулиятдир», вилоят прокурори Фахри Раҳимов «2003 йилнинг биринчи ярмида жиноятчиликка қарши кураш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида», Бўстонлик туман ҳокимининг

ҲАЁТ ТИНЧ — ЮРТ ОБОД

ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Турсуноя Казакова «Хотин-қизлар кўмиталарининг фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш борасидаги фаолиятлари тўғрисида» маъруза қилдилар. Вилоят имом-хатиби Илҳом Суннатуллаев, Тошкент туманидаги Навоий номли маҳалла кўмитасининг раиси Эркин Ғуломов, Қибрай туманидаги Май қишлоқ фуқаролар йиғини «Қизил шаллола» маҳалла посбонлари жамоат тузилмасининг сардори К. Зиёдуллаевлар сўзга чиқишди.

Йиғилишда божхона хизмати ходимлари, чегара посбонлари, ички ишлар идораларининг ходимлари, маҳалла посбонларининг юрт тинчлигини сақлашдаги вазифалари ўта муҳимлиги таъкидланди. Айни пайтда фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, лоқайдлик ва бефарқликка барҳам бериш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Дарҳақиқат, мамлакат олдида турган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини амалга ошириш учун тинчлик ва осойишталик ниҳоятда муҳим. Шу муносабат билан йиғилиш аҳли аҳолининг барча қатламлари орасида ҳуқуқий-маънавий тарбия самарадорлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқ ва шаҳарда осойишталикни сақлаш вазифаларини белгилаб олди. Огоҳлик ва ҳушёрлик уларни рўёбга чиқаришнинг асосий шартидир.

Жўрабек МУРОДОВ.

Кўргазма

КИЧИК БИЗНЕС ОДИМЛАРИ

«Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Кичик ва ўрта бизнес учун минитехнология ва асбоб-ускуналар» кўргазмаси кеча ўз ишини якунлади. Унда вилоятимизнинг саксонта кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар.



Кўргазмада фақатгина пойтахт ва Тошкент вилояти фирмалари қатнашган бўлсалар ҳам, у турли-туманлиги билан ажралиб турди. Томошабинлар ҳукмига кийим-кечаклар, қурилиш ашёлари, озиқ-овқат турлари қатори янги технология маҳсулотлари ҳам ҳавола этилди. Бу ерда Оҳангарондаги «Микрос» фирмасининг компьютер дастурлари, микроскоплар намойиш қилинди. Чирчиқдаги «Дека» фирмаси ҳам унда фаол қатнашди.

Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар кичик ва ўрта бизнес корхоналари тобора ривожланиб, имкониятлари кенгайиб бораётганлигини кўрсатди. Юксак технологиялар, электроника, дизайн соҳасида ишлаётган корхоналар сони кўпаяётганлиги сезилди. Чирчиқдаги «Дека»

фирмаси оптикадан ташқари кимё саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқармоқда. Шаҳардаги «Латофат» корхонасида эса ҳатто, «Мерседес» русумли автомобиль ойналари тайёрланяпти.

Кўргазмада яна бир фойдали ишга қўл урилди. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда бизнесменлар учун «Мамлакат кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг экспорт салоҳияти» мавзусида ўқув-семинар ташкил этди.

СУРАТДА: кўргазмадан олинган лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ

Ўтган даврда вилоят қишлоқ хўжалигида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Асосий эътибор соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришга, белгиланган дастур ва тадбирларнинг ижросига қаратилди. Ана шуларнинг натижасида вилоятда пилла тайёрлаш режаси ортиги билан бажарилди. 25 иш кунида давлатга 278,5 минг тонна галла етказиб берилиб, шартнома режаси муваффақиятли адо этилди. Айни пайтда хисоб-китоблар қишлоқ аҳолисига яна 200 минг тоннадан ортиқ галла қолаётганлигини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг ўзаги ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликларини янада кенгайтириш, улар учун имкониятлар яратиш, кредитлар ажратиш, умуман қишлоқда ишлаб чиқариш билан бирга бозор инфратузилмасини ривожлантириш устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида 305 та янги фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Йиғилишда 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилгига нисбатан вилоятда ташқи савдо айланмасининг 25 фоизга, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажми 2,5 баробар ортди.

Шу куни вилоят фаоллари ушбу натижаларни таҳлил этиш билан бирга асосий эътиборни кўпроқ бой берилаётган имкониятлардан, энг аввало вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш, қишлоқ хўжалиги ва капитал қурилишда ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурлигига қаратдилар.

Бу бежиз эмас. Чунки, айрим шаҳар ва туманларда бу борадаги ишлар ҳали талаб даражасида ташкил этилмаяпти. Хусусан, ўтган ярим йил мобайнида Оҳангарон, Пскент, Юқоричирчиқ, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманларида корхоналарни хусусийлаштириш юзасидан қабул қилинган дастур тўлиқ бажарилмади. Бу мақсадга хориж инвестицияларини жалб этиш бўйича ишларнинг аҳволи ҳам қониқарли эмас. Айрим корхоналарда локализация, яъни маҳаллийлаштириш дастури

(Давоми. Боши 1-бетда).

ОРОМБАХШ ТАБИАТ ҚҲЙНИДА

«Ўзбеккимёмах» очик акциядорлик жамиятига қарашли дам олиш масканлари шу кунларда ҳордиқ чиқарувчилар билан жуда гавжум.

Биргина «Хумо» болалар оромгоҳи қўйнида машинасозларнинг 300 га яқин фарзандлари ёзги таътилларини ўтказмоқдалар.

Унда Ҳоразм ва Қорақалпоғистондан келган 60 нафар тенгқурлари ҳам дам олишяпти.

Корхонанинг Қоронқул қишлоғидаги дам олиш минтақасига эса юз нафарга яқин кекса ва ёш ишчи-хизматчилар ташриф буюришган. Бундан ташқари, шанба-якшанба кунлари кўлаб машинасозлар бу масканда ҳордиқ чиқариб қайтмоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

доирасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган кўрсаткичлари бажарилмаяпти. Масалан, Пскент туманидаги «Каноп» кўшма корхонасида бу борадаги режа 27,7 фоизда, «Чирчиққишлоқмах» акциядорлик жамиятида 9,9 фоизда қолиб кетди.

Бундай камчиликларга қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, капитал қурилишдаги ислохотларни амалга ошириш борасида ҳам йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида кўп ҳолларда қурилиш қийматининг ошириб юборилишига йўл қўйилаётганлиги, режадаги объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётганлиги кескин танқид қилинди.

Шунингдек, вилоятда солиқ соҳасидаги тўлов ва тушумларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, аҳолининг коммунал хизматларидаги қарзларини ундириш борасида ҳам жиддий ишлаш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда вилоят иқтисодиётидаги, халқ хўжалигидаги аҳвол шу тарзда ва чуқур атрофлича таҳлил этилар экан келгусида амалга оширилиши зарур бўлган устувор йўналишлар белгилаб олинди. Эришилаётган ютуқларни янада мустақамлаш, муаммоларнинг ечимини топиш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бошқармалар, ҳокимликлар ва идораларга долзарб вазифалар бўйича тегишли тавсиялар, кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Шу куни муҳокама этилган масалалар юзасидан, вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи С. Тошхўжаев, вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи М. Комилов, Паркент тумани ҳокими М. Куччиев, Бўстонлик тумани ҳокими Қ. Эшонқулов, вилоят Капитал қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Х. Мирҳоликов, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари А. Йўлчиевнинг ахборотлари тингланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов сўзга чиқди.

Йиғилишда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Янги компьютер тизими

Ўзбекистонда МДХ ва бошқа кўплаб давлатлар орасида биринчи бўлиб илмий ишларга ҳолис тақриз бериш муаммоси ҳал этилди.

Яқин вақт ичида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси амалиётга татбиқ этиладиган ушбу янгилик туфайли илмий даражага даъвогарлар эндиликда бу муаммо ҳусусида бош қотирмайди.

Яқинда Олий аттестация комиссиясининг бир гуруҳ ходимлари ноёб дастурий маҳсулот учун Давлат патент идорасининг муаллифлик гувоҳномасини олди. Улар илмий ишларни тақризга жўнатиш мақсади билан таъминлашнинг компьютер тизимини ишлаб чиқди. Фанларнинг барча мутахассисликлари ва йўналишлари бўйича республикамизнинг етакчи олимлари – академиклар, фан докторлари ва профессорлардан иборат рецензия берувчиларнинг маълумотлар базаси яратилди. Бунда уларнинг ҳар бири ҳақидаги маълумот етти рақамдан иборат код билан шифрланган.

Янги тизимни жорий қилиш – Олий аттестация комиссиясининг республикамиз илмий кадрларини аттестациядан ўтказиш ва улар томонидан ўтказилаётган тадқиқотларни баҳолаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари дастурининг бир қисми. Мустақил экспертиза амалиётини кенгайтириш учун Олий аттестация комиссияси олимларимиз ишларини тақриз қилиш тўғрисида бошқа давлатларнинг ушбу йўналишдаги ташкилотлари билан шартномалар тузишни ҳам кўзда тутган.

Ў.З.А.

миз. Ушбу саъй-ҳаракатлар пировардида ҳаётда ўз ўрнинини эгаллашга, бугун ва келажак учун, юрт истиқболини янада мустаҳкамлаш учун бел боғлаймиз.

Истиқлол шарофати билан бугунги ёшлар, ўсмирлар ўз ижодлари, ҳунарлари, маданият ва спорт соҳаларида эришаётган ютуқлари билан жаҳонга юз тутиб, мамлакатимиз шон-шухратини, шавкатини намойиш этмоқдалар. Бунда истиқлол туфайли яратилган шарт-шароитлар, кенг очилган имкониятлар қўл келмоқда.

Муваффақиятларимиз бош омили сифатида шуни ифтихор билан айтиш керакки, бу – юртимизда кечаётган осойишталик, тинчлик-омонлик. Истиқлолга эришганимиздан кейин бизнинг фаровон ҳаётимизни кўролмайдиган кучлар турли ниқоблар, ёвуз мақсадлар остида тажовуз уюштирмақчи бўлдилар. Лекин, шукроналар

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлсинки, ташлаётган дадил қадамларимизга тўғаноқ бўлганларни ортга чекинишга мустаҳик этдик. Мудроқ ва гафлат уйқусидаги қалбларимиз кўзлари очилди. Барча ёшу қарини огоҳликка, ҳушёрликка даъват этди.

Биз яшаб турган мамлакатнинг ҳар бир ўғли борки, ўзини она-Ватанни асраб-авайлашга, унинг сарҳадларини ҳимоя қилишга тайёрлайди, шайлайди. Ана шундай ватанпарварлик руҳи юқори бўлган ўсмир-ёшларимизни кўплаб учратамиз. Улар мустақил мамлакат Куролли Кучлари сафларида қасамёдларида садоқат билан амал қилмоқдалар, зарурият пайтлари асло иккиланмай эл-юртнинг осуда ҳаётини матонат ҳамда шараф билан ҳимоя қилмоқдалар.

Кейинги йиллар давомида Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбияланган, билимли, зукко, айна кучга тўлган йигитларимиз йилдан-йилга кўпаймоқда. Ҳарбий билим юртларида билим олувчилар сафи ортмоқда. Бунда «Ватанпарвар» ташкилоти байроғи остида ўтказилаётган ҳарбий-спорт мусобақаларининг ўрни беқиёсдир. Маҳаллаларда, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасаларида уюштирилаётган ватанпарварлик руҳидаги йиғинлар, учрашувларнинг ҳам ҳиссаси катта. Умуман олганда, бугуннинг ёшлари, бўлажак аскарлар она-Ватан олдидаги муқаддас бурчларини англаб етмоқдалар. Сарҳадларимизни мардонаворлик билан ҳимоя қилишда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда фидойийлик ҳиссини тобора

чуқур англаб, малака ва кўникмаларини намоён этмоқдалар. Ҳарбий хизмат даври ҳақиқий ҳаёт мактабига айланмоқда.

Давлатимиз томонидан мамлакат истиқболни, ҳимояси учун халқ тинчлиги, осойишталиги, миллий-ҳудудий яхлитликни таъминлаш, давр талабларига мос равишда қулай, тезкор, замонавий қурол ҳамда техникалар билан таъминланган Куролли Кучларимизни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ҳар биримиз ўзимизни мана шу озод юртнинг ўғли, деб биламиз. Унинг барқарорлиги, сарҳадларининг мустаҳкамлиги, шу азиз Ватанимиз куч-қудратини ошириш учун ҳар қандай синовларга тайёрмиз. Чинакам ўғлонимиз, эй она диёр!

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

ҚОРАХТОЙНИНГ САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ



Оҳангарон тумани Қорахтой қишлоғидаги репродуктив саломатлик марказининг очилганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бугунги кунда ушбу марказда юздан зиёд беморлар ўз соғлиқларини тиклаб, оилалари бағрига қайтдилар.

Ў.З.А.

Бу ерда Қорахтой ва Унгул қишлоқларида яшовчи аёллар, шунингдек, ўсмирлар ва болалар даволанадилар.

Яқинда муассасада 1668 нафар туғиш ёшидаги аёллар тўла тиббий текширувдан ўтказилди. Уларнинг хасталиқларига қараб муолажалар белгиланди ҳамда шифохоналарга йўлланмалар беришди. Нигора Умурзоқова бошчилигидаги марказ тиббиётчилари беморларга ўзларининг хизматлари ва ширин сўзлари билан манзур бўлмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: репродуктив саломатлик маркази фаолиятдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Барқарор ривожланиш комиссияси йиғилиши

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Барқарор ривожланиш комиссиясининг бўлиб ўтган йиғилиши жорий йилнинг май ойида Киевда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирларининг БМТ шафелигида ўтказилган бешинчи Умумевропа анжуманининг қарорларини амалга оширишга бағишланди.

Ушбу комиссия давлат ва жамоат тузилмаларининг минтақада ижтимоий-иқтисодий ва экологик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Унинг таркибига вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, экологлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари киритилган.

Йиғилишни жамғарма раиси Ю.Шодиметов бошқарди. Йиғилишда Киев анжумани қарорларини амалга ошириш бу соҳада Марказий Осиё минтақасида ислохотларни давом эттириш учун катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз борди.

Ў.З.А.

ШИРИН СОВҒАЛАР

«Росси СА» Ўзбекистон-Россия-Болгария қўшма корхонасида печенье ишлаб чиқарувчи янги линия ишга туширилди.

У икки тартибда ишлашга мўлжалланган ҳамда тўрт тонна галет печеньеи ёки олти тонна шакарли печенье ишлаб чиқара олади. Ушбу замонавий ускунанинг нархи – 13 миллион сўм. Республика-миз мустақиллиги байрамига қандолатчилар ширин совғалар тайёрламоқда.

Қўшма корхонада ҳаммаси бўлиб 80 хил турли ширинликлар тайёрланади. Печеньедан ташқари бу ерда бежирим қадоқланган «Шарқ юлдузи», «Сюрприз», «Тантана» («Торжество»), «Ассорти» деб номланган қутили шоколадлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Нема», «Рен-Ко», «Дж.Ф.Интернейшнл» қўшма корхоналарининг маркетинг сиёсати унли маҳсулотлар ва карамелларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган.

Ў.З.А.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида «Биодренажлаш: Ўзбекистонда ўрмончилик тижоратини ташкил этиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда турли вазирликлар, идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи олимлар, экологлар, биологлар иштирок этди.

Самарали услуб

Биологик дренаж – дарахларни тижорат мақсадида етиштиришдир. Бу кўкаламзорлаштиришнинг замонавий ва экологик жиҳатдан тоза услуби. Бу ер ости сувларини замонавий услуб ёрдамида пасайтириш, ботқоқланган ва сув босган жойларда тупроқ шўрланишига қарши курашиш, тижорат мақсадида фойдаланиш учун ёғоч олиш, ер участкаларини қайта тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш каби долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Ў.З.А.

ЧИРЧИҚЛИКЛАР ТЎРТИНЧИ

Чирчиқда ҳаваскор радиоалоқачиларнинг республика мусобақаси бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар, Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидан йигирмата жамоа қатнашди. Улар радиоалоқа узатиш бўйича бирқанча йўналишларда куч синашдилар.

Беллашувда пойтахт вакиллари пухта ҳозирлик билан келганликларини намойиш этиб, кўпчилик йўналишлар бўйича голиб бўлдилар ва умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар. Вилоятимиз вакили — чирчиқликлар жамоалар орасида тўртинчи ўринни эгаллашди.

Ўз мухбиримиз.

Гўзал ИСМАТУЛЛАЕВА.

ҚЎЛЛАНМА ЎЗБЕК ТИЛИДА

Швециянинг таниқли журналисти Эрик Фихтелиус ўзининг кўп йиллик тажрибаси асосида «Журналистиканинг ўн қоида-си» деб номланган янги китоб ёзди. Яқинда у ўзбек тилида ҳам чоп этилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан босмага тайёрланган мазкур китоб қўлланма сифатида янги ўқув йили олдида бўлажак журналистларга яхши совға бўлди.

Ушбу китоб журналистиканинг турли жанрлари ва бу борадаги жаҳон тажрибаси ҳақида ҳикоя қилади. Унда Швециянинг оммавий ахборот воситалари тўғрисида ҳам қатор маълумотлар берилган.

Ақбар АЛИЕВ.

Анжуман

МАЪНАВИЯТ КУНЛАРИ

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги олдида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоятимизнинг турли жойларида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларидан мақсад истиқлолимизнинг моҳиятини юртдошларимиз онгига янада чуқурроқ синдиришдан иборатдир.

Пскент туманининг Охунбобоев номли истироҳат бўғида ҳам «Мустақиллик ва миллий ғоя» мавзусида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Президент девони масъул ходими Насриддин Муҳаммадиев, Олий Мажлиснинг матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Нўмон Насимов, шоир Шўхрат Ориф, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Суяр Қурбонқуловлар иштирок этишди. Сўзга чиққанлар халқаро майдонда кечаётган жараёнлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан алоқаларининг истиқболлари, миллий қадрият ва урф-одатларимизнинг ҳаётийлигини таъминлашда қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳусусида мулоҳазалар билдирдилар.

Гўзал ИСМАТУЛЛАЕВА.

Dushanba

28

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.30 «Санъатта бахшида умр»
9.50 «Баҳодирлар бўтқаси». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.
10.05 «Букри кит ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.
10.55 ТВ клип.
11.05 Ўзбек халқ эртаги асосида. «Ёрилтош». Видеофильм.
11.35 Ўзбекистон

телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача»
12.25 «Чорраҳа». Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»
12.45 «Қуроқ». Видеофильм.
13.40 «Бир кулишайлик»
14.10 Кундузги сеанс: «Филипп Марлоу». Телесериал.
15.00 ТВ анонс.
15.05 «Яхшилик»
15.35 Мусиқий танаффус.
15.50 «Адабий жараён»
16.10 «Камила». Телесериал.
16.40 «Бир актёр театри»
17.05 «Покахонтас». Мультсериал.

17.55 ТВ маркет.
18.10 «Ўзбектефильм» намоиши: «Тошкент Давлат Техника Университети». Премьера.
18.30 «Аждодлар мероси»
19.05 «Мулқдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида»
21.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
21.55 «Ифтихор»
22.15 ТВ клип.
22.25 «Тарих кўзгуси»
22.45 ТВ клип.
22.55 «Япония турмуш тарзи». Хужжатли

телесериал премьераси.
23.15 «Ахборот-дайжест»
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
18.30 Кўрсатувлар дастури.
18.35 «Янги авлод» почтаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Минг бир ривоят.
19.45 «Меҳр кўзда». Мақтубларга шарҳ.
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 Сув - ҳаёт манбаи.
20.40, 21.25, 22.35 Ёллонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги

тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Живз ва Вустер»
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.20, 22.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида»
19.15 «ТТВда сериал. «Айрилик азоби»
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз»
21.00 ТТВда сериал. «Қайсар ва довораклар»

21.40 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам»
22.25 «Avto-news»
22.40 «Кинонигоҳ»
«Истеъдодли жаноб Рипли»
00.40-00.45 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести»
16.20 Велопойга «Тур де Франс»
16.25 «Евроњьюс» янгилıklar.
16.40 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
17.55 «Ниро Вульф ва Арчи Гудзин». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Время»
20.30 «Бизнес ревью»
20.35 «Спорт масканларида»
20.55 «Қалбим чечаги». Сериал.
21.40 Кинематограф. «Уч қочоқ». Бадий фильм.
23.10 «Ахборот»
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Махфия жамият». 19.30 «Ошиқона» мусиқий дастури.
19.45 «Курортдаги ишқ-муҳаббат». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Мозий ва келажак оралиги». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

29

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Мумтоз наволар.
9.20 «Рангин дунё»
9.40 «Мулқдор»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.
10.05 «Метичара - денгиз жонивори». Бадий фильм.
11.25 «Кўпчилик қаторида»
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 , 15.20 ТВ анонс.
12.10 «Соғлом танда - соғ ақл». Телемусобақа.
13.10 Эстрада тароналари.
13.30 «Муносабат»
14.10 Кундузги сеанс : «Филипп Марлоу». Телесериал.
15.00 «Тарих кўзгуси»

15.25 «Иқтидор». Интеллектуал теле-ўйин.
16.00 «Камила». Телесериал.
16.30 «Қалб гавҳари»
16.50 ТВ клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Хунарманд»
18.25 Бир жуфт кўшиқ.
18.35 «Дунёқараш»
18.50 «Олтин бешик»
19.10 «Тафсилот»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıklar» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истеъмолчи»
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила»
22.05 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.

22.25 ТВ клип.
22.35 «Ахборот-дайжест»
22.55-23.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли» 17 - қисм.
10.05 ТВ - анонс.
10.10 «Янги авлод» студияси: Шоҳсула, Ёз - ўтмоқда соз.
10.50 «Оқ буталоқ». Мультфильм.
11.10 Бизнес - академия.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Жар ёқасида.
12.40 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
12.55 Сув - ҳаёт манбаи.
13.00 Давр.

13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Соғлом авлод.
13.50 Интерфутбол.
15.30 «Ёз нафаси». Манзарали фильм.
15.40 «Австралиянинг ёввойи табиати». Хужжатли сериал 1-қисм.
16.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.50 «Коинот». Маърифий фильм 1-қисм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.40 Ёш тадбиркор.
17.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.10 ТВ - анонс.
18.15 Менинг маҳаллам.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» интервью.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Бугуннинг ёшлари.

20.40, 21.25, 22.35 Ёллонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бир ўлкаки...
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Ноктаут, 2.Теннис.
23.45-23.50 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Живз ва Вустер». /Яқунловчи/.
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани»
18.30, 20.00, 21.20, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Ҳумоя»
19.15 «Х-Спорт»
«Айрилик азоби»
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз»
21.00 ТТВда сериал. «Қайсар ва довораклар»

21.40 «Хамшаҳарлар»
22.30 Кинонигоҳ. «Сабрина»
00.20-00.25 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести-спорт»
16.20 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.05 «Евроњьюс» янгилıklar.
17.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
17.55 «Ниро Вульф ва Арчи Гудзин». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Бизнес ревью»
20.35 «Хроника»
20.45 «Х-Спорт»
21.00 «FCN Ўзбекистон янгилıklar» (инглиз тилида)
21.10 «Қалбим чечаги». Сериал.
22.00 «Ҳинд оҳанглари»

22.15 Кинематограф. «Орзулардан яралган олам». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот»
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Мозий ва келажак оралиги». Мелодрама. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт. 16.50 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Котил ёнингда». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Курортдаги ишқ-муҳаббат». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Душанбагача эҳтиётлаш». 23.15 «Рестлинг титанлари»

Chorshanba

30

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектефильм» намоиши: «Ўзбекистон темир йўллари»
9.20 «Шарқ тароналари»
9.45 «Тафсилот»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.
10.05 «Йўлбарс ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.
10.55 «Олтин бешик»
11.15 , 15.00 ТВ анонс.
11.20 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
11.40 «КиноТеатр»
12.05 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.
13.30 «Истеъмолчи»
13.50 , 15.55 ТВ клип.
14.10 Кундузги сеанс: «Филипп Марлоу»

Телесериал.
15.05 «Зарблар сеҳри»
15.25 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
16.05 «Ягона оилада»
16.35 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»
17.05 1. «Қизқарли учрашувлар»
2. «Эртанги кун эгалари»
18.10 «Бировнинг устидан кулма». Мультфильм.
18.15 «Истеъдод»
18.35 «Ажаб саодат эрур»
19.00 «Бир жиноят изидан»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Озма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Тараққиёт йўли»
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» телеканалда илк

маротаба: «Камила». Телесериал.
22.05 «Эл саломатлиги йўлида»
22.25 ТВ клип.
22.35 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони»
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли». 18 - қисм.
10.05 «Давр» - интервью.
10.20 ТВ - анонс.
10.25 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.00 Кинотақдим.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.

12.20 Менинг маҳаллам.
12.35 «Меҳр кўзда». Мақтубларга шарҳ.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари». Бадий фильм премьераси 1-қисм («Ўзбектефильм»)
14.15 Бугуннинг ёшлари.
14.35 Ёшлар телеканалда спорт дастури: 1 Ноктаут, 2 Теннис.
15.35 ТВ - анонс.
15.40 Автопатрул.
16.00 «Қароқчи чоллар». Бадий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.45 Адолат мезони.
18.05 ТВ - анонс.
18.10 Озод юрт фарзандлари.
18.25 «Оби ҳаёт»
Экологик тележурнал.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.

19.40 Барча постлар диққатга.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.25, 22.35 Ёллонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
23.35 -23.40 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Ҳўрозтепалик Миршаб»
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани»
18.30, 20.00, 21.20, 22.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона»
19.15 ТТВда сериал.

«Айрилик азоби»
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз»
21.00 ТТВда сериал. «Қайсар ва довораклар»
21.40 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.25 Кинонигоҳ. «Куз афсонаси»
00.25-00.30 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести-спорт»
16.20 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.05 «Евроњьюс» янгилıklar.
17.20 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
17.55 «Ниро Вульф ва Арчи Гудзин». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Бизнес ревью»
20.35 «Спорт технологияси»
20.55 «Ўзбекистонда

ишлаб чиқарилган»
21.15 «Қалбим чечаги». Сериал.
22.05 «Вернисаж». И. Резникнинг концерт дастури.
23.30 «Ахборот»
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Душанбагача эҳтиётлаш». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» киноқшоми. «Эчки» операцияси. 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Курортдаги ишқ-муҳаббат». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Жозибали рақс». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

31

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»
9.00 1. «Қизқарли учрашувлар»
2. «Эртанги кун

эгалари»
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.
10.05 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Маимитти - ороллар фарзанди». Бадий фильм.
11.35 «Эл саломатлиги йўлида»
11.55 , 15.45 ТВ анонс.
12.05 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони»
12.25 «Адвокатлик

осонми?» Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
13.50 ТВ клип.
14.10 «Тараққиёт йўли»
14.30 Кундузги сеанс: «Филипп Марлоу». Телесериал.
15.20 «Бир жиноят изидан»
15.50 «Оламини асранг!»
16.10 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»
16.40 1. «Сеҳрли харфлар ороласи»
2. «Таътилдаги болалар»
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.

18.10 «Ҳиммат»
18.25 «Куйла, ёшлигим»
18.45 «Соғлом она - соғлом бола»
19.05 «Ҳаёт ва қонун»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақлари»
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıklar» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот.
21.45 ТВ клип.
21.50 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.

22.20 ТВ клип.
22.30 «Тарих кўзгуси»
22.50 «Ахборот-дайжест»
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли». 19 - қисм.
10.05 ТВ - анонс.
10.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

10.30 «Мульттомоша»
10.45 Тафаккур ёлқинлари.
11.00 Ёшлар овози.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Спорт - китъаси (рус тилида)
12.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари»

Бадий фильм 2-қисм.
14.15 Интерфутбол.
15.55 «Томчи сувда ҳаёт жилваси». Хужжатли фильм.
16.15 ТВ - анонс.
16.20 «Австралиянинг ёввойи табиати». Хужжатли сериал 2-қисм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик, кичкинтой театри.
17.45 «Мульттомоша»
18.00 «Coscom» хабарлари.
18.05 Ракурс.

18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интер-вью.
19.50 ТВ – анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Жиноят ва жазо.
20.35, 21.20, 22.35 Ёллонлар.
20.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.25 Мезон.
21.45 Олтин мерос.

22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Хўрозтепалик Миршаб».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Навнихол».
18.30, 20.00, 21.20, 22.10 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва масъулият».
19.05 «Ўзбектеелефильм» студияси намойиш этади: «Тулпорим».
19.15 «ТТВда сериал. «Айрилик азоби».
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал. «Қайсар ва довораклар».

21.40 «Умр йўлдоши».
22.35 Кинонигоҳ.
«Шаҳарлик олифталар».
00.40.00.45 Хайрли тун шахрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести-спорт».
16.20 «Хаёллар ороли».
Сериал.

17.05 «Евроныйос» янгиликлари.
17.20 «Инсон ва қонун».
17.55 «Ниро Вульф ва Арчи Гудзин». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревью».
20.35 «Ишбилармон кишилар».
20.55 «Арт-каталог».
21.15 «Қалбим чечаги». Сериал.
22.05 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)
22.15 «Аншлаг».
23.00 «Ахборот».
23.35 Кинематограф. «Кулоқли Финт». Бадий фильм.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки қучли рейнджерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30-да спорт».
11.10 «Тез ёрдам». Сери-

ал. 12.00 «Жозибали ракс». Фильм. 13.30 «У котиликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Хўжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Менинг қизим». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Курортдаги ишқ-муҳаббат». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетаб-риқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Миллионга тенг уйин». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

1

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сехрли харфлар оролчаси».
2. «Таътилдаги болалар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Бенжи». Бадий фильм.
11.30, 11.55 ТВ анонс.
11.35 Симфоник мусиқа дунёси.
12.05 «Хаёт ва қонун».
12.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
13.50 ТВ клип.
14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс: «Кувноқ сеҳргарлик». Бадий фильм.
15.55 «Тарих кўзгуси».

16.15 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.45 «Нури манзиллар».
18.10 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
18.30 «Эл тинчилиги йўлида».
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.40 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.

22.10 «Олтин бешик».
22.30 «Жазда фақат кизлар». Кинокомедия.
00.05 «Ахборот-дай-жест».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал «Доктор Финли» 20 - қисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик, Кичкинтой театри.
10.50 «Мультимоша».
11.05 Ракурс.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 ТВ - анонс.
12.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экран: «Анпанман».

Мультсериал.
13.35 Бахтли болалик кўшиқлари.
13.50 «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари». Бадий фильм 3-қисм.
14.30 ТВ - анонс.
14.35 Интерфутбол.
16.15 Ёш тадбиркор.
16.30 Мезон.
16.50 «Коинот». Маърифий фильм 2-қисм.
17.15 ТВ - анонс.
17.20 «Оби ҳаёт».
Экологик тележурнал.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой-миз - гижинтоймиз.
18.00 Аскар мактублари.
18.20 ТВ Бинго миллионер. Телелотерея.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ - анонс.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Сув - ҳаёт манбаи.

20.35 21.20, 22.35 Ёллонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2.Футбол плюс.
0.05 – 0.10 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Хўрозтепалик Миршаб».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экран».
18.30, 20.00, 21.20, 21.55 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.15 «ТТВда сериал. «Айрилик азоби».
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».

21.00 ТТВда сериал «Қайсар ва довораклар».
21.40 «Эл хизматиди».
22.20 Кинонигоҳ «Ўз хисобидан таътил». 1-2-сериялар.
00.30.00.35 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести-спорт».
16.20 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.05 «Евроныйос» янгиликлари.
17.20 Хўжатли фильм.
17.55 «Ниро Вульф ва Арчи Гудзин». Сериал (Сўнги қисм)
18.55 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Дурдаршан».
21.00 «Хит парад».
21.30 «Тунги учрашув».
21.45 «Стиль».
22.00 «Яшаш воситаси».

22.10 «Қалбим чечанги». Сериал.
23.00 «Ахборот».
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки қучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Миллионга тенг уйин». Фильм. 13.30 «У котиликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт». 16.50 «Хўжатли сериал». 18.00 «30-канал» да ринг қироллари. 18.50 Умор дастури. 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Курортдаги ишқ-муҳаббат». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Тезкор суд». 23.15 Спорт дастури.

SHANBA

2

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Бу турфа олам».
11.10, 15.50 ТВ клип.
11.20 «Олтин бешик».
11.40 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
12.00 «Маърифат». Телеальманах.
12.20 «Ошиқ буюқчи ҳақида эртақ».
Бадий фильм.
13.35 «Ўзбекистон бастакорлари».
13.55, 16.00, 17.25 ТВ анонс.

14.00 «Адабий жараён».
14.20 «Найранг». Бадий фильм.
16.05 «Ягона оилада».
16.35 «Покахонтас». Мультфильм.
17.30 «Чорраҳа».
17.50 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.25 Эстрада тароналари.
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
21.25 «Гап чикди». Телешоу.
22.05 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 «Ахборот-дай-

жест».
«Тунги ёғду»:
22.50 «Нақадар тотли сўз - «Озодлик» рўқнида «Бенхур» фильми. 1-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ - анонс.
9.40 Табобат оламида.
10.05 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой-миз - гижинтоймиз.
10.25 Болалар экран: «Алибобо ва қирқ қароқчи».
10.55 Барча постлар диққатига.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ижро этади.
12.10 ТВ - анонс.

12.15 Ринг қироллари.
13.05 Кутилмаган меҳмон.
13.25 «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари». Бадий фильм 4-қисм.
14.05 Бола тилидан.
14.35 «Аёл зоти». Телесериал.
15.15 ТВ - анонс.
15.20 «Экспедиция». Кўп қисмли хўжатли сериал.
16.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.30 «Ўрмон юраги». Бадий фильм.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
18.20 Саломатлик сирлари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ниқоб.
20.10, 20.55, 22.35 Ёллонлар.
20.15 «Аёл зоти».

Телесериал.
21.00 Минг бир ривоят.
21.05 Оҳанрабо.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.50 «Ёшлар» телеканалда премьерара «Хамеша». Бадий фильм 1-қисм.
0.05-0.10 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультичархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Афиша».
18.35 «Ўзбектеелефильм» студияси намойиш этади: «Ўзбекистон табиати».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.10 ТТВда сериал «Қайсар ва довораклар».
19.30 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Озод ва обод

юрт».
20.40 «Нима учун?»
21.10 Кинонигоҳ.
«Есения». 1-2-сериялар.
23.10.23.15 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Уйга қайтиш. Л. Долина».
10.10 «Мультисеанс».
10.40 Болалар соати. «Буратино». Бадий фильм.
12.55 «Билишни истайман».
13.10-14.10. Дўстлик видеоканали: «Бағри кенг Ўзбекистон», «Умид», «Немис табиати».
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Соғинч».
16.30 «Бугунги медицина».
16.50 «Соккер клуб».
17.10 А. Пугачева, Н. Басков, М. Галкин, О. Газманов ва «Любэ»

байрам концертида.
20.00 «Время».
20.25 «Кўнгли-кўнглига пайванд».
21.10 Кинематограф. «Менинг дадам - қаҳрамон». Бадий фильм.
22.35 «Кулгу хонаси».
23.20 «Ахборот».
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Денис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур». 12.00 Оилавий кино. «Тезкор суд». 13.40 Хўжатли сериал. 14.30 Хинд киноси. 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Ёлгон». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Асли ҳаётдагидек». Сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетаб-риқнома. 21.05 «Кучли химоя остида». Сериал. 22.00 «30-канал» да кинооқшом. «Пеликан» хўжатлари». 24.00 Мусиқий дастур.

Yakshanba

3

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.00 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Гўзаллик оламида», «Афсонавий шаҳарда».
9.20 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.40 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 17.20 ТВ анонс.
11.25 «Бу турфа олам».
12.15 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
12.55 ТВ 1 кинотеатри: «Қайсар қизнинг қулиши». Бадий

фильм.
14.40 «Гап чикди». Телешоу.
15.20, 16.50 ТВ клип.
15.30 «Барби ва Қарсилдоқ». Мультфильм.
17.00 «Портретга чизгилар».
17.20 «Мусиқа ва театр».
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
17.40 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Улғайиш погоналари».
3. «Покахонтас».
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёллонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яхшилик».
21.45 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
«Якшанба кинозали»:

22.05 «КиноТеатр».
22.25 «Нақадар тотли сўз - «Озодлик» рўқнида «Бенхур» фильми. 2-қисм.
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
9.20 Кувноқ стартлар.
9.50 ТВ - анонс.
9.55 «Давр» - репортаж.
10.05 Оҳанрабо.
10.55 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйини.
11.50 «Нихол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
12.05 ФИФА (футбол ичиди, футбол атрофида)
12.45 Аскар мактублари.
13.05 ТВ - анонс.
13.10 «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари». Бадий фильм 5-қисм.

13.50 Чемпион сирлари.
14.10 «Аёл зоти». Телесериал.
14.50 Бир ўлкаки.
15.10 «Экспедиция». Кўп қисмли хўжатли сериал.
16.00 Сув - ҳаёт манбаи.
16.05 «Яшашга ҳамма ҳақли». Бадий фильм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Бахтли болалик.
18.15 «Мультимоша».
18.30 ТВ - анонс.
18.35 Спорт ҳафтанома-си.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ - анонс.
19.25 Мусиқий лаҳзалар.
19.30 Жараён 1-қисм.
19.50, 20.35, 22.30 Ёллонлар.
19.55 «Аёл зоти». Телесериал (яқунловчи қисм)
20.40 Жараён 2-қисм.
21.00 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр» ҳафта ичиди.
22.35 ТВ – анонс.
22.45 «Хамеша». Бадий фильм 2-қисм.
24.00-0.05 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.05 «Жаҳон географияси».
19.35 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
20.05 «ТВ плюс».
20.35 ТТВда сериал. «Қайсар ва довораклар».
21.00 «Озод ва обод юрт».
21.20 Кинонигоҳ. «Уй қамоғи».
23.10-23.15 Хайрли тун, шахрим!
«Халқаро» телеканал
9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган

қайдлари».
9.30 «Хамма уйдалигида».
10.10 «Мультисеанс».
10.30 «Фан-тайм».
10.40 «Кайфият».
Информацион-дам олиш дастури.
12.10 «Лаззат сеҳри».
12.40 «Экран зийнати ва қиймати».
13.05 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тили)
13.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.35 «Ошхонада инглизча гаплашамиз».
13.45 «Парле ву франсе?»
14.10 «Дорихона эшитида».
14.55-16.15 Дўстлик видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Гардашлўт дунёсинда», «Корейс тилини ўрганамиз».
16.15 Кўрсатувлар тартиби.
16.20 «Мультисеанс».
16.40 «Хикоя».
17.05 «Кинопрофи».
17.25 Хўжатли фильм.
18.15 «Катта дада». Кинокомедия.

20.00 «Тенгдошлар».
20.30 «Олтин граммофон». Концерт дастури.
22.35 Бокс. Рикардо Майорга – Вернон Форрест.
23.35 «Тахлилнома».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Денис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Пеликан» хўжатлари». 13.40 «Хўжатли сериал». 14.30 Кундузги кинозал: «Сўнги ов». 16.10 Дам олиш дастури. 16.40 Мусиқий дастур. 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Конхўр Бруклинда». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Асли ҳаётдагидек». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.05 «Кучли химоя остида». Сериал. 22.00 «30-канал» да якшанба кинооқшоми. «Рус уйи». 23.15 Спорт шарҳи.

Болалар ёзи — 2003

«ФАЗОГИР ГАГАРИН» БАҒРИДА

«Шарқ» наشريёт-матбаа акиядорлик компаниясининг «Фазогир Гагарин» номли оромгоҳида ёз мавсумида 900 га яқин бола дам олади.

— Оромгоҳимиз Бўстонликдаги Янгиқўрғон қишлоғи ҳудудида, 160 гектар майдонда жойлашган, — дейди компания касаба уюшма кўмитасининг раиси Ғулумжон Ҳақимов. — Бу ернинг баҳаво, салқин иклими кичкинтойларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун жуда қулай. Уларга тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. Шунингдек, дам олувчилар саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда турли машғулотлар ўтказиладилар. Кечки пайтлар кинофильмлар намойиш этилади. Маънавият хонаси, кутубхона, шоҳмот-шашка, рақс, рассомчилик, моҳир қўллар ҳамда ёш журналистлар тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда.



Оромгоҳда ёшларнинг марокли дам олишлари учун турли саёҳатлар уюштириляпти. Улар Катта-Гулкам, Кичик-Гулкам каби сўлим жойлардаги шаршараларга чиқиб, Мозорсарой, Қайнар булок, Қўтирбулоқларнинг шифобахш сувларидан ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Ўзал СОЛИЖОНОВА.

СУРАТЛАРДА: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

«Маҳалла миз ёшлари» футбол ўйинларининг вилоят босқичида қатнашаётган 15-16 ёшли чарм тўпчилардан иборат жамоаларнинг ярим финал иштирокчилари аниқланди.

Ўз туманларида голибликка эришган жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро баҳс юритган эди. Гуруҳларда ўйинларнинг натижаларига кўра

Бўка, Окқўрғон, Олмалик ҳамда Тошкент туманининг футболчилари пешқадам бўлиб, ярим финалда иштирок этиш учун йўлланмани қўлга кириштирди. Бу учрашувлар 26 июлда Келес ўйингоҳида ўтказилади.

Камолитдин АСҚАРОВ.

Футбол

Мамлакат ўн иккинчи миллий чемпионати иштирокчилари ҳал қилувчи иккинчи давра мусобақаларидан олдин ўз таркибларини кучайтирмоқдалар.

ВИКТОР ЖАЛИЛОВ «НАВБАҲОР»ДА

Ўтган мавсумда «Пахтакор»ни Осиё чемпионлари лигаси мусобақаларида ярим финалга олиб чиқиб, Осиё қитъасида мавсумнинг энг зўр мураббийи деб эътироф этилган Виктор Жалилов «Пахтакор»ни тарк этиб, «Навбахор»га бош мураббий бўлиб тайинланди. У бу йилги мавсумда Қаршининг «Насаф» жамоасида фаолият кўрсатётган Григорий Цейтлинни «Навбахор»га таклиф этиб, ўринбосар қилиб олди. Буларга «Навбахор»нинг олдинги бош мураббийи Фарход Магаметов ёрдам беради.

БЕРОДАР АБДУРАИМОВ

«САМАРҚАНД Д» БОШ МУРАББИЙИ

Яқинда ўзининг 60 йиллигини нишонлаган машҳур футболчи ва мураббий Беродар Абдураимов «Самарқанд Д» жамоасини иккинчи давра мусобақаларига тайёрламоқда. Биринчи даврада чемпионатда яхши натижага эриша олмаган самарқандликларни у кучлилар сафига олиб чиқиш учун ҳаракат қилади.

ОЛЕГ ШАЦКИХ

«ЛОКОМОТИВ» ТАРКИБИДА

Бир неча йил катта футболда иштирок эта олмаган Олег Шацких XII миллий чемпионатнинг биринчи давра мусобақаларида вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси таркибида иштирок этган эди. Биринчи мавсум ниҳоялагач, у биринчи лигада иштирок этаётган Тошкентнинг «Локомотив» жамоасига ўтди ва биринчи учрашувда ўтказди.

Талъат ЮСУПОВ.

Вилоят чемпионати

КЕЧИКТИРИЛГАН ИККИ УЧРАШУВ

Вилоят чемпионатининг биринчи давра ўйинларида икки учрашув маълум сабабларга кўра кечиктирилган эди. Улар 19 июль кўни бўлиб ўтиб, биринчи давранинг якуний жадвалига биров ўзгариш киритди.

Дастлабки жуфтликда Фазалкент шаҳрининг «Бўстон» ҳамда Бўка туманининг «Бўкалик» жамоалари ўзаро куч синашди. Унда Бўка тумани чарм тўпчилари 3:2 ҳисобида голиб чиқди. Галабани қўлга киритган «Бўкалик» 16 очкога эга бўлиб, жадвалда «Шоликор»дан тўплар ҳисобига кўра бир поғона юқори-

га, яъни бешинчи ўринга кўтарилиб олди. Иккинчи учрашув «ТошДАУ» ва «Олмалик-Д» ўртасида бўлиб ўтди. Қизиқарли ўтган беллашувда аграр университет вакилларининг 5:1 ҳисобида қўли баланд келди. Бу ютуқ «ТошДАУ» учун жадвалда ўзгариш қила олмади.

Ўз мухбиримиз.

Вилоят ҳокимининг қарори қандай бажарилмоқда

Маданият ва маънавият тизимлари халқимизнинг мақсад ва мудоаларини ифодалашга, унинг руҳини кўтариб, қийин дамларда суянч ва таянч бўлишга сафарбар этадиган жабуҳалардан биридир. Энг муҳими, маданият ва маънавиятнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни алоҳида. Қолаверса биз бугун юртдошларимизнинг кўпроқ ўқишларини истаяпмиз. Ўқиган киши эса, кечаги кундан хабардор бўлади. Ватан, юрт, озодлик тўғриси хис этади. Бугунги кунини асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Ёруғ эртасини яратиш учун янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилади.

Гапнинг очиги менда шаҳар ва туманларимиздаги маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар фаолиятини ўрганиш, уларнинг бугунги ҳолати билан танишиш, қай даражада меҳнаткашларимизга хизмат кўрсатаётганини билиш истаги халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2003 йил март ойида бўлиб ўтган XV сессиясидан кейин пайдо бўлган эди. Ушанда депутатлар вилоят ҳокимининг «Вилоят маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойлардаги ижросини кўриб чиққан эдилар. Сессиянинг бу борадаги махсус қарори ҳам қабул қилинган эди.

Орадан салкам беш ой вақт ўтди. Ҳўш шаҳар, туманларда шундан кейин қандай ўзгаришлар бўлди, ҳоким қарори қандай ижро этилмоқда? Бугун бу саволларга Бўка тумани мисолида жавоб излаб кўрайликчи?..

Албатта, ижобий ўзгаришлар одамларга гамхўрлик, эътибор ва яратиб берилган шарт-шароитлардан бошланади. Буни ҳамма, айниқса, Бўка тумани маданият ишлари бўлими мута-

ИШЛАР ФАҚАТ МАРКАЗДАМИ?

Бўка тумани маданият ишлари бўлими фаолиятига бир назар

садилари иш фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Туманимизнинг марказлашган клублар тармоғи ходимлари 2003 йил бошидан бошлаб бир қанча маданий-маърифий ишларни амалга оширдилар, — деди туман маданият ишлари бўлими мудири Зиёдулла Сайдуллаев.

Тумандаги маданий-маънавий тадбирларни муҳташам Маданият саройида ўтказиш анъанага айланган. Зафар Расулов, Орифжон Омонов, Собиржон Нишоннов, Воҳиджон Ҳайдаров, қолаверса, кўни кеча бўлиб ўтган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловида голиблар сафидан ўрин олган Ақром Кенжаев

сингари хонандалар, нафақат туман ва вилоятда, ҳатто республикада доврғ қозонган «Дугоҳ» ашула ва рақс халқ дастаси ҳамда «Наврўз» фольклор гуруҳларининг номлари машҳур. Бу борада қанча илиқ сўзлар айтсанг, арзийди.

Ҳўш, туман марказида-ку, ҳамма ишлар жойида экан, олис қишлоқларда аҳвол қандай?

Дабдурустдан берилган бу савол маданият ишлари бўлими

ишляпмиз. Камчиликларни бартараф қилишга уринаямиз.

Дарҳақиқат тумандаги Барот Умаров номли ширкат хўжалигида бўлганимизда, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражаси ачинарли аҳволда эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Бир пайтлар ўзининг салобати ва маҳобати билан кишини ҳайратга соладиган бинони «Барот Умаров номли ширкат хўжалигининг клуби» деб тавсия

қилишди. Бу бинода одамлар қачон яйраб дам олганини ҳеч ким эслай олмайди, чоғи. Эътиборсизлик ва лоқайдлик натижасида у нураб, тўкилиб бора-япти. Иморатнинг қолган-қутган қисмини сақлаб қолиш мақсадида бўлса керак, хўжалик бошқаруви идорасига айлантиришган. Эшигига отнинг калласидек қулф урилган зал эса, клуб хизмати-ни бажараркан.

Унга охириги марта қачон одам кирганини, унда қандай маданий-маърифий тадбирлар ўтказилганини хўжалик аъзолари у ёқда турсин, ҳатто, клуб мудири Ақром Кенжаев ҳам айтиб беролмади.

Зиё маскани ҳисобланадиган мудири З. Сайдуллаевни ҳам, Марказий маданият саройи бошлиғи Г. Жалиловани ҳам, клуб мудири О. Омоновни ҳам ўйлан-тириб қўйди... Халқимизда «Қаловини топсанг, қор ёнади», деган нақл бор. Аммо, бу сафар қор эримади ҳам, ёнмади ҳам. Сохта маълумотлар-у баҳоналар билан кутула олмаслигини сезган З. Сайдуллаев гапнинг ростига кўчди.

— Жойларда аҳвол айтарли яхши эмас. Хўжалик раҳбарлари маблағ етишмаслигини рўқач қилишни яхши кўришади... Ҳамма айбни жойлардаги раҳбарларга тўнқаб, сувдан қуруқ чиқмоқчи эмасман, — оғир сўлиш олади мудар. — Имкон қадар

кутубхоналар фаолияти ҳам ўлда-жўлда. Ачинарлиси шундаки, Бўка туманидаги бу муассасаларнинг аксарияти ҳеч қачон кўнгилдагидек ишлаган эмас. Шунинг учун улар ҳамма китобсеварларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Гаффор Азаматов номли ширкатлар уюшмаси аҳолиси қарийб ўн минг кишини ташкил этади. Бу ернинг ўз маданият саройи бор. Аммо, унда фаолият юртаётган бир қатор бадий ҳаваскорлик тўғрақлари, спорт секторларининг хизмат кўрсатиш даражаси замон талабидан жуда йирик.

Йўлдош Хожиматов номли (Ўқтам Иброҳимов), «Хўжақўрғон» (Эркин Ғулумов) ширкат хўжаликларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Шуниси ажабланарлики, шу ва шунга ўхшаш клубларда ҳам хўжалиқдан, ҳам маданият ишлари бўлимидан ойлик оладиган клуб мудири бор экан. Уларнинг ишлаш услуби эса ҳамон эскича. Бирор янгилик киритишни сира хаёлларига келтирмайдилар.

Ҳўш, йил-ўн икки ой далада тер тўкиб, эгнимизни бутун, дастурхонимизни тўкин қилаётган деҳқонларимиз, уларнинг фарзандлари маданий ҳордиқ чиқаришлари, маънавий озуқа олишлари, руҳан ва ақдан дам олиб, ўз дунёқарашларини кенгайтиришларига туманда нега бепишанд муносабатда бўлинапти? Бу саволга Бўка тумани ҳокимлиги, қолаверса, вилоят маданият ишлари бошқармаси мута-садилари тайинлироқ жавоб беришса керак, деган умиддамиз.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

XVII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ НУФУЗИ

Европа Иттифоқи эндиликда ўзининг рамзларига эга бўлмоқда. Яқинда мазкур уюшмага яна ўн давлат аъзо бўлганидан сўнг, унинг ўз мадҳияси, байроғи ва шиори бўлади. Шунингдек, Европа Иттифоқининг ягона байрам куни ҳам белгиланади. У 9 майда нишонланади. Мазкур тамойиллар Франциянинг собиқ президенти Валери Жискар дье Эстен раҳбарлик қилаётган конституция мазмунига сингдирилди. У Европа конвеноти томонидан тасдиқланди. Шу муносабат билан сўзга чиққан Франция ташқи ишлар вазири Робер Шуман Европа Иттифоқи рамзларининг ўзига хослигини таъкидлади. Унинг айтишига қараганда, Европа мадҳиясига Бетховеннинг Тўққизинчи симфонияси асос қилиб олинган. Расмий байроқ эса ўн икки бурчакли юлдузлардан иборат бўлади. Қабул қилинадиган «Кўп кўринишли бирик» шиори Европа Иттифоқининг тўлиқ моҳиятини изхор қилади. Келажакда унга аъзо бўлган давлатлар ўзларининг мустақил овозига эга бўладилар, деб белгиланди.

ҲАМОН ТИНЧЛИК ЙЎҚ

Ҳиндистон билан Покистон ўртасида Жамма ва Кашмир минтақаси ҳамон тинчлик қарор топмайдиган ҳудудга айланиб қолмоқда. ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришига қараганда, яқинда террорчилар мазкур ҳудуднинг шимолий вилоятидаги ҳарбий кўналгага ҳужум қилдилар. Ҳуруж натижасида етти нафарга яқин киши ҳалок бўлди, йигирма беш киши қаттиқ жароҳатланди. Вайшно Деви тоғини зиёрат қилишга келган кишилар дам олишаётганда, уларнинг бошига ушбу бало ёғилди. Катра шаҳри полициячилари ва қутқарувчилари тезда етиб келган бўлса ҳам жабрдийдаларни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Маъмурият мутасаддиларининг айтишига қараганда, ушбу ҳужум исломни никоб қилиб олган террорчилар томонидан амалга оширилган.

ҲАММАГА МАНЗУР МАҲСУЛОТ

Дунёга машҳур «Нестле» компаниясининг ваколатхонаси Ўзбекистонда 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу компания маҳсулотлари, шу жумладан, «Maggi» пазандачилик маҳсулотлари, «Nescafe» қаҳваси, «Lactogen» кичкинтойлар озуқаси, «NIDO» куруқ сути ва бошқа кўплаб маҳсулотлар Ўзбекистон аҳолисига яқин таниш.

Яқинда компания томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қаторига яна бир янгилик қўшилди. «Fit'n Fresh» бу мевалар ва сутнинг уйғунлигидир. Ушбу маҳсулот «Nestle»нинг узоқ 130 йиллик фаолияти давомида орттирган бой тажрибаси асосида яратилган маҳсулотларидан биридир. Янгилик бир неча ой давомида компания илмий лабораториясида тайёрланди. Натижа сарф қилинган вақт ва меҳнатни оқлади.

«Fit'n Fresh» маҳсулотининг тақдимот маросимида йиғилган меҳмонлар ва журналистлар биринчилардан бўлиб, бу ажойиб ичимликнинг қулупнай, олма ва шафтоли таъми уч турини тотиб кўрдилар. Маҳсулот тез кунларда республикамиз савдо расталарига чиқарилади.

НУҚТАИ НАЗАРЛАР ҲАР ХИЛ

Денгиз битта, гап-сўзи мингта. Яқинда Москвада Каспий денгизи мақомини аниқлаш бўйича ишчи гуруҳининг навбатдаги — ўнинчи мажлиси очилди. Ҳамиша бўлганидек, унда Россия, Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон ва Туркменистон вакиллари иштирок этмоқдалар. Бунда томонлар «сув умумий, таги бўлинади» деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, иш кўрмоқдалар. Иштирокчилар Каспий денгизи тубини бўлишга тааллуқли ҳужжатни имзоладилар. Аммо, бу масалада Туркменистон ҳамда Эроннинг ёндошувлари ўзига хос бўлиб турибди. Қабул қилинажак конвенцияда Каспий бўйича асосий нуқталар аниқ белгилаб қўйилади. Мазкур кенгашда, шунингдек, биологик захиралар, гидрометеорология ҳамда балиқ овлаш чегаралари ва кемалар қатновига доир масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Шарҳловчи минбари

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ҲУЖУМИ

Испанияда террорчилик ҳаракатлари давом этмоқда. Анчадан буён испанияликларнинг ҳаловатини бузиб келаётган баск айирмачиларининг тизгинини тортиб қўйиш мураккаб масалага айланди. Утган сешанба куни Аликанте шаҳрида кетма-кет иккита портлаш содир этилган эди. Бир неча дақиқа ўтгач Бенидорм курорт шаҳрида ҳам кўпурувчилик юз берди.

Бу портлашлар натижасида, ҳайриятки, ҳеч ким ҳалок бўлмаган. Лекин ўн уч киши жароҳатланган. Улардан икки нафари оғир аҳволда. Яраланганлар орасида испан тили бўйича ёзги курсларда таҳсил олаётган беш нафар хорижлик талаба ҳам бор.

Террорчилик ҳаракати баскларнинг ЭТА ташкилоти томонидан амалга оширилганига ҳеч ким шубҳа қилмаёттир. Олинган сўнги маълумотларга қараганда, портлашлардан бир қанча вақт илгари Испаниядаги «Гара» газетаси таҳририятига ЭТА ташкилоти номидан номаълум кимса кўнғироқ қилиб, тайёрланаётган кўпурувчиликлар тўғрисида маълум қилган. Аликанте шаҳрида полиция бомба жойлаштирилган «Ресиденсия Байа» меҳмонхонасида яшовчиларни эвакуация қилишга муваффақ бўлган. Бирок, шунга қарамай, портлаш вақтида меҳмонхона ёнидаги бинода истиқомат қилувчи тўрт нафар одам яраланган.

Полиция Бенидорм шаҳридаги портлаш содир этилган «Надаль» меҳмонхонасидаги яшовчиларни ҳам хавфсиз жойга кўчиришга улгурган. Лекин меҳмонхонада портловчи қурил-

мани излаётган тўрт нафар полициячи жароҳатланган. Иккала портлаш ҳам белгиланган вақтдан биров илгарироқ юз берган. Террорчилик ҳаракати натижасида «Ресиденсия Байа» меҳмонхонаси батамом ярқисиз аҳволга келиб қолган. «Надаль» меҳмонхонасининг биринчи ва иккинчи қаватларига жиддий зарар етган.

Испания ҳукумати раҳбари Хосе Мария Аснар баск айирмачиларининг мазкур хатти-ҳаракатларини қоралаб, ЭТА фаоллари эртами-кечми албатта панжара ортига тушишига ишонч билдирди. Қидирув ишлари натижасида полиция Аликанте ва Бенидорм шаҳарларидаги портлашларни содир этган террорчининг шахсини аниқлади. Йигирма уч ёшли Хон Хосеба Троитино ҳозир қидирувга берилган.

Полиция архивларида мазкур шахс ЭТА ташкилотининг фаол аъзоси сифатида рўйхатда туради. Унинг отаси Доминго Троитино ҳам ЭТА аъзоси бўлиб, 1987 йилда амалга оширган кўпурувчилик ҳаракати учун етти юз тўқсон тўрт йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ушанда супермаркетда бомба портлаши оқибатида йигирма бир киши ҳалок бўлган ва қирқ беш киши яраланган эди.

Испания ички ишлар вазири Анхель Асабес полиция ходимларининг тезкор ҳаракатига юқори баҳо берди. Мазкур кўпурувчилик ҳаракатидан бир неча кун илгари полиция томонидан ЭТА гуруҳига алоқадор икки нафар шахс ҳибсга олинган. Тинтув вақтида уларнинг ёнидан бир юз эллик килограмм портловчи модда ва кўплаб ўқотар қуроллар топилган.

**Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.**



Кечки Лондон.

Турфа олам

ЧОЙ ДАРДГА ДАРМОН ЭКАН

Олимлар чой таркибида соғлиқ учун фойдали унсурларни топишмоқда. Маълум бўлишича, сиз кунига ичадиган уч пиёла чой сизни шамоллашдан асраркан, тумов, бошқа юқумли касалликларнинг олдини олишда танангизга кўмакчи бўлар экан. Айтишларича, гайриоддий зотилжамнинг ҳам давоси чой эмиш. Чой ичимизга микробларни киритмай, соғлигимизни сақлайди. Яқинда Гарвард университетининг бир гуруҳ олимлари чой таркибида саратон шишлари билан курашадиган модда борлигини ҳам аниқладилар.

Олимларнинг таъкидлашларича, кунига ичилган икки пиёла қайноқ чой юрак хасталикларига чалиниш хавфини ярмига камайтирар экан. Унинг таркибидаги катехин моддаси эса, томирлар эгилувчанлигини сақлаб тураркан.



ЭРКАККА ҚАНДАЙ ТУМШУҚ ЯРАШАДИ?

Британия ва Франция олимлари аёллар кўнглини овлаш иштиёқида бўлган эркекларга кўпроқ қизил сабзи ейишни тавсия этмоқдалар. Сабзи таркибида эркекка соғлом, хушбичим кўриниш бахш эта олиш хислатига эга бўлган кратиноид моддаси борлиги исботланди. Бундай хулосага олимлар қушларни кузатиш жараёнида келдилар. Ургочи қуш ўзининг бўлғуси полапонлари учун ота излаганда,



айнан қизил тумшукли нар қушни танлаши бежиз эмас экан. Авваламбор, бу каби «олатумшук»лилар чиройли кўринадилар. Кейин эса алвон ранг бурун соҳибининг иммунитет тизими мутлақо соғлом эканлигидан ҳамда қуш баданида кратиноид моддаси жуда кўп эканлигидан далолат беради. Бўлғуси оналар бундай сарвқомат «қизил бурун»лилардан соғлом ва чиройли жўжачалар дунёга келишини тушунишган. Аксинча, оч рангдаги тумшук соҳиблари эса кўпинча касалманд бўлиб, ундан соғлом қушчалар дунёга келиши даргумон экан.

ЗЕРИКИШДАН СЎНГ ЖАНГГА

Лондондаги Сити банклари ходимлари ўзларининг йилига 160 минг доллар ва ундан ортиқ маблағни ташкил этувчи маошларидан воз кечиб, ёппасига жосусликка ўтиб кетишмоқда. Уларнинг фикрича, гарчи юқори даражада ҳақ олиш-



са ҳам, ҳар кунги бир хиллик жонларидан тўйдириб юборган. Улар нисбатан камроқ маошли бўлсада, лекин қизиқарли касбга ўтиб олишганидан мамнунлар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

Bolalik bog'i

BU ODAM

Bu odamga bir qarang:
Uxlaganida har bor,
Burun kataklarida
Tirillar qo'sh traktor.



Bechora traktorlar,
Bir joydan hech jilmaydi.
Bu odam uyg'onganda,
Traktorlar jimiydi.

Bu odam uyg'onganda
Yaqin kelib, inilar,
Boshiga quloq soling:
G'uvillaydi chivinlar.

Uyg'onib ne qilardi?
Bu yog'ini aytmayman.
Yaxshisi men ozgina
Velosiped haydayman.
Sirojiddin SAYYID.

Қатра

ДАСТЛАБКИ
«УНВОН»

Илк кашфиёт яратиш жараёнида атрофдан «хаёлпараст», «телба», «ақлдан озган» сингари сўзларни эшитсангиз, асло ранжиманг, аксинча, завқу шавқ билан ишлайверинг. Чунки, сиз қўл ураётган иш ўта



ақлга сизмас мўъжиза бўлиши мумкин.

Ажабланарлиси шундаки, буюк тарихий кашфиёт қилувчи кишиларнинг ҳам илк «унвон»и ана шундай бўлган.

Турдиали ЖУМАОБОВ,
Тўймена.

Ўзбекистон Бадиий академи-
ясининг Замонавий санъат
марказида "Холливуднинг ол-
тин асри" деб номланган пла-
катлар кўргазмаси очилди.

АҚШнинг юртимиздаги
элчихонаси кўмагида ташкил
этилган ушбу кўргазма 10
августгача давом этади.

Кўргазмада кўп йиллар
мобайнида одамлар қалби-
дан жой олган Американинг

Олий адабиёт курсининг
илк қалдирғочлари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Олий адабиёт курсининг илк қалдирғочларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фулмонов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов ва бошқалар пойтахтимизда бундан икки йил муқаддам Олий адабиёт курси ташкил этилгани мамлакатимизда адабиётни ривожлантириш, хусусан, ёш қаламкашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялаш ишига давлатимиз раҳбари томонидан берилган улкан эътибор натижаси эканини таъкидлади. Бу ерда тахсил олиш имкониятига эга бўлган ёшлардан келажакда забардаст ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқишига умид билдирилди.

Курсда илк бор саккиз нафар ёш ижодкор – Хосият Рустомова, Жаҳонгир Холмирзаев, Нилуфар

Сафоёева, Даврон Ражабов, Гулчеҳра Зокирова, Маягўзал Чориева, Неъмат Сайидалиев ҳамда Ориф Хожиев тахсил олди.

Олий адабиёт курсига, асосан, бадиий ижодда ўз овозига эга бўлиб бораётган иқтидорли ёшлар танлов асосида қабул қилинади. Улар Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчиларидан йигирмага яқин фандан сабоқ олади. Шунингдек, таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, танқидчилар билан қизиқарли бахшмунозараларда иштирок этади.

Шуни айтиш жоизки, ҳозир нафақат мамлакатимиз, балки кўшни давлатлар ёш ижодкорлари орасида ҳам Олий адабиёт курсида тахсил олиш истагини билдираётганлар сафи кенгаймоқда.

Ў.А.

Ҳажвия

Ишхонага янги директор тайинланди-ю, ҳар хил ўйлардан Саидовнинг мияси говлаб кетди. Ходимларнинг оғзида турли гап:

— Янги директор фан номзоди эмиш...
— Катта жойда ўқиган, барча соҳани пухта биларкан...
— Ҳақиқатгўйлиги-чи? Падхалимлики кўра-га кўзи йўқ экан.
«Шу тахлит гапларни оғизларини тўлдириб гапиришларига ўласанми?»
— Янги директор ичиш-чекиш нималигини билмас эмиш.
— Улфатчи-лики ёқтирмас эмиш.



— Заводнинг машинасини муовинга берибди. Ўзининг шахсий машинаси бор экан.

Бу гаплар ортиқча эди, Саидовнинг асаби ортиқ дош беролмади: касал бўлиб, ётиб қолди. Тузалиб ишга чиққан куниек директорнинг хонасига йўл олди.

— Мумкинми? — деди у хаста овозда эшикдан мўралаб.

— Келинг, — деди директор ишдан бош кўтармай.

Саидов оёқ учида битта-битта юриб директорнинг қошига борди. Бетгачопа экан деб

ўйламасин деган андишада кўзлари билан ер сузиб, ҳол-аҳвол сўрай кетди.

— Ўтира туринг! — деди директор ишдан бош кўтармай, аллақандай қоғозларни титкилаганча.

— Мен ҳозир... Кейин қанча иш бўлса, гаплаша-верамиз.

— Иш-ку йўқ, — дудуқланди Саидов. — Мен бир минутга киргандим. Хўжайинни бир кўрай, танишай, аҳволларини бир билай дегандим. Банд экансиз, мен кейинроқ...

— Кимсиз? Қанақа хўжайинни?! — директор сергақланди.

— Сизни-да, ҳазиллашяпсизми, хўжайин? — Саидов ҳамон ердан кўз олмай жавоб қилди. Сўнг нима қиларини билмай оёғи билан ер чизди. Бирдан ранги бўзариб, кўзлари олайиб кетди. Туфлисининг таги ифлосроқ эканми, оёқ остидаги гилам оқариб қолди.

— Кечирасиз, хўжайин, билмасдан гиламни кир қилиб қўйдим...

Директор ҳеч нарсани тушунолмади кифтини учирди. «Индамади, жаҳли чикди». Саидов кўркиб кетди ва:

— Ҳозироқ тозалайман! — деди-да ўзини полга ташлади. Чўнтагидан оппоқ даструмолни чиқариб, гиламни обдон ишқалай кетди. Директор иш қоғозларини четга сурди, сўнг ўрнидан турди-да, унга қараб, бақириб юборди:

— Аҳрор, сенмисан?!

Ўз исми Саидовга портлашдек бўлиб эшитилди. Сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ оёғи силлиқ гиламда сирғалиб, ағдарилиб, ҳушини йўқотди. Директор графиндаги сувдан унинг юзларига сепди. Саидов кўзларини очди.

— Нима гуноҳ қилувдим, хўжайин?

Бирпасдан кейин батамом ўзига келди. Боши узра жилмайиб турган «янги хўжайин»ни кўрди-ю, яна хушидан кетгандек, кўзларини юмиб олди. Не кўз билан кўрсинки, «янги хўжайин» ўзи билан ўн йил бир синфда ўқиган дўсти Жўрабой эди.

Адҳам ДАМИН.

Кўнгилнинг
кўчаси не дейди?

* Икки қайиқнинг бошини тутаман, деган, шубҳасиз, фарқ бўлади.

* Ҳақиқатнинг кўзига тик қарайман, деб кўздан айрилишига сал қолди.

* Ким мени ёқласа, қўл кўтариб, овора бўлмай қўя қолсин.

* Шошилаётганларга йўл беравераман, етиб борганимда, илиқ кутиб олишар.

* — Кўнгилнинг кўчаси нима деяпти?

— Эскингни янгилла, деяпти.

* Гапни гапир, уққанга десам,

У гап гапириб, туққангизга ёқмадим-ку, деди.

* Мадида белбоғи борнинг ҳаммаси ҳам юракли эмас.

* Қирқишдан аввал, қирқ марта ўйла!

Ҳамроқул СУЛАЙМОН.

Қибрай туманидаги Мирзо Улуғбек номли 45-лицей томонидан 1995 йилда Тошму-
родов Султон Жалолович номига берилган АО 025534 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Пскент туманидаги 29-ўрта мактабни 1994-1995 ўқув йилида тамомлаган Намозбоева Нилуфар Абдухошимовнага берилган 027493 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти жамоаси «Ташкентская правда» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Нелли Ивановна Яковенкога онаси
Антонина Алексеевна ЯКОВЕНКОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ў.А.



"Кичкинтой", "Фуқаро Кейн", "Бу ажойиб ҳаёт", "Касабланка" каби ва бошқа машҳур киноленталари намойиш этилмоқда.

Ушбу фильмларнинг намойишидан олдин эса "Холливуд тарихи", "Номалум Чаплин", "Ички Холливуд" каби ҳужжатли киноленталардан парчалар намойиш этилади.

Ў.А.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Шеллофонлар:
Ҳатлаб ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилми:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақам
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида торилди ва
саҳифаланди.

• Элон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва элон берув-
чилар масъулдир.